Музейга ноёб қўлёзма

Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Муҳсин Пок Ойин Андижонга ташриф буюрди. Меҳмон ва унинг ҳамроҳлари шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Заҳриддин Бобур номли халқаро жамғарма раҳбари Зокиржон Машрапов билан учрашдилар. Элчи жаноблари Бобур номли музейга Эрондаги Машҳад шаҳар кутубхонасида сақланаётган бобокалонимиз томонидан битилган ноёб тарихий қўлёзманинг асл нусхасини музейга тақдим этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

«Оқдарё» шарбат корхонаси

Оқдарё туманидаги мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонаси ишчи-хизматчилари 2 тонна тут шинниси, 1,5 тонна гул мураббоси ва бундан ташқари кўксултон, гилосдан 2700 шартли банка компот ва мураббо ишлаб чиқиб, корхонага 18,5 млн. сўмлик даромад келтирдилар.

Корхона қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аҳолидан шартнома асосида сотиб олмоқда. Корхонанинг доимий харидори «Самарқанд — Тонний» фирмаси ҳисобланади. Бундан ташқари ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Россия, Белоруссия ва Болтиқ бўйи давлатларига ҳам сотилмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ

ЎЗГАРТИЛАР, ХАБАРЛАР

«Шукуробод» ном чиқармоқда

Ромитан туманидаги Ф. Қурбонов номли жамоа хўжалигининг Боғизирак қишлоғида истиқомат қилувчи тадбиркор Тошпўлат Боқаев бошчилик қилаётган «Шукуробод» кичик корхонаси тобора довруғ қозонмоқда. Бу ерда қоракўл тери қайта ишланиб, бежирим кийим-кечаклар тайёрланмоқда. 13 та тикув машинасида 30-40 нафар ҳамқишлоқ меҳнат қилмоқда. Ойига 2 минг дона қоракўл теридан аёллар пальтоси, пўстин ва иссиқ кийим-кечаклар тикилмоқда. Бухородаги Исмоил Фозилов номидаги трикотаж фабрикаси жамоаси ҳам бозор иқтисодиётига мослашиб, маҳсулотлар турини 46 тага етказди. Бу маҳсулотларга талаб ортиб бормоқда.

Баҳрон ДАВРОНОВ

Бепул китоблар олишади

Элликқалъа туманида янги ўқув йили олдидан ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини турли ўқув дарсликлари билан таъминлаш йўлида саъй-ҳаракат бошлаб юборилди. Турли корхона, идора ва бирлашмалар шу мақсадда бир ярим, икки миллион сўмдан маблағ ажратмоқдалар. Хусусан, «Элтекс» корхонаси икки миллион сўм, «Агрохимиятаъминот» корхонаси, туман матлубот ҳиссадорлик жамияти бир ярим миллион сўмдан дарсликлар олиб бераётган бўлдилар.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 9 июль, пайшанба • № 81 (22.318).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президентнинг Самарқанд вилоятига сафари

8 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Самарқанд вилоятига ташриф буюрди. Самарқанд аэропортида давлатимиз раҳбарини вилоят ҳокими А.Мардиев кутиб олиб, вилоят ғаллакорларининг дон топшириш бўйича давлат буюртмасини бажарганлиги тўғрисидаги ғалаба рапортини юртбошимизга топширди.

Мамлакатимиз раҳбари дастлаб Челак тумани Хартанг қишлоғидаги Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ёдгорлик мажмуида бўлиб, бу ерда амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Бу йил мамлакатимизда буюк муҳаддис таваллудининг 1225 йиллиги нишонланиши муносабати билан табаррук қадамжода аллома мақбараси, масжид, дунёнинг барча бурчакларидан келадиган зиёратчиларга мўлжалланган бошқа иншоотлар жадал суръатларда қурилмоқда.

Суратда: Ислом Каримов вилоятда бунёд этилажак янги объектлар лойиҳаси билан танишмоқда.

Муҳаммад АМИН ва Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Ислом Каримов зиёратгоҳни кўздан кечирар экан, юбилей тантаналари бутун жаҳонга юртимизда миллий қадриятлар тикланаётганлигини, аждодларимизнинг бебаҳо мероси эъзозланаётганлигини намойиш этиши зарурлигини, бунга қурилиш давомида алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлади. Президент қурувчи, лойиҳачи, меъмор ва усталар билан суҳбатлашди, уларга бу ишларда миллий меъморчилигимиз анъаналарига кўпроқ таяниш, биноларга қадимийлик руҳини сингдириш зарурлигини уқтирди.

Сўнгра, йўлбошчимиз жойларда иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани билан танишиш мақсадида Челак, Жомбой ва Тойлоқ туманларида бўлди. Челак туманидаги "Маниобод", Жомбой туманидаги "Ҳақиқат", Тойлоқ туманидаги "Улуғбек" жамоа хўжаликларида пахта ва ғалла етиштиришда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Деҳқонлар ва мутахассислар билан суҳбат давомида юртбошимиз пахтачилик ва ғаллачиликда уруғчилик масалаларига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Юртбошимиз Ўзбекистон — Ирландия "Элита" қўшма корхонасининг илмий тажриба майдонида буғдой ва арпанинг янги навларини етиштириш борасида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечирди. Бугунги кунда бу ерда мингга яқин нав устида тажриба олиб борилиб, Ўзбекистон шароитига мос самарали уруғ навларини яратиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда.

Маълумки, Самарқанд азалдан ўзининг тарихий меъморлик обидалари, нодир ва бетакрор ёдгорликлари билан дунёга донг таратган. Шаҳарга қадам ранжида қилган ҳар бир меҳмон, деди Президент, бу ерда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрсин, сезсин. Ислом Каримов шаҳар қурилишининг янги бош лойиҳасини кўздан кечирар экан, барпо этилажак иншоотлар ягона сайёҳлик мажмуини ташкил этиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Президент Ислом Каримовнинг Самарқанд сафарида Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И.Жўрабеков, Президентнинг Матбуот котиби А.Зиёев ҳамроҳлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА)

Сурхондарё ғаллакорларининг ютуғи

Одамларнинг айтишича, Сурхондарёда бу йилгидек об-ҳаво — қаттиқ қиш, серёғин баҳор, жазирама ёз бундан 20-25 йил аввал бўлган экан. Нима дейсиз, табиатга ҳукм ўтказиб бўлмайди.

Шунга қарамай, воҳа ғаллакорлари 220 минг тоннага яқин донни давлат омборига топшириб, йиллик режани уддаладилар.

Айниқса, Ангор, Музробод, Қизириқ, Сариосиё, Қумқўрғон Бандихон ва Денов тумани меҳнаткашларининг улуши вилоят катта хирмони юксалишида салмоқли бўлди.

Яна ўн беш минг тонна дон йиғиштириб олишга аҳд қилган вилоят меҳнаткашлари ғалла ўрим-йиғимини бир фурсат ҳам сусайтирганлари йўқ. Ахир, ҳали комбайнлар тушмаган ғалла майдонларини санасак, бармоқларни ўнлаб такрор букишга тўғри келади.

Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Фойдали ҳужжатлар имзоланди

Эрон Ислом Республикасининг Президенти Сайид Муҳаммад Хотамий Эрон расмий равишда баёнот берадики, биз Туркманистон билан ўзаро фойдали шартномаларга имзо чекдик. Ҳеч қандай учинчи мамлакатларга зарар етказилмайди. Хотамий Эронга ташриф буюрган Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан бўлиб ўтган музокаралардан сўнг шундай деди.

Эрон Ташқи ишлар вазирлигининг хабарларига кўра музокаралар давомида турли соҳаларда Эрон-Туркманистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш билан боғлиқ қатор шартномаларга имзо чекилган. Чунончи, икки Президент нефть-газ саноати, тижорат, соғлиқни сақлаш, транспорт, телекоммуникация алоқаси, банк ва молия ишлари билан шуғулланувчи олтита махсус қўмита ташкил этиш борасида ягона фикрга келдилар. Айниқса, Каспий денгизининг халқаро юридик аҳамияти, туркман нефти ва газини Эрон ҳудуди бўйлаб ташиш, шунингдек, қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш истиқболларига жиддий эътибор қаратдилар.

Сайлов куни белгиланди

Озарбойжон Республикасининг марказий сайлов комиссияси мамлакат президенти сайловлари бўладиган кунни белгилади. 1998 йилнинг 11 октябрида мамлакатда президент сайловлари бўлиб ўтади. Озарбойжон президентлигига номзодлар кўрсатиш 11 июлдаёқ бошлаб юборилади. Ҳар бир даъвогар ўз номзодини марказий сайлов комиссияси рўйхатига ўтиши учун 50 минг фуқаронинг имзосини тўплаши керак. Марказий сайлов комиссиясининг ҳисоб-китобларига кўра сайловларда тўрт ярим миллион киши иштирок этади.

Бош вазир омон қолди

Македонияда юз берган автоҳалокат натижасида Туркия Бош вазири Месут Йилмаз ҳеч қандай зарар кўргани йўқ. Болгария радиосининг хабарига кўра Туркия ҳукуматининг раҳбари ўтган душанба куни Македонияга расмий ташриф билан келган эди. Автоҳалокат эса Монастирь шаҳрига борилаётганида йўлда содир бўлди. Македония полициясининг хабарига кўра, Бош вазир бораётган автомобиллар кортежига македонияликлар томонидан рўйхатга олинган машина урилиб кетди. Хабар қилишларича ҳалокат оқибатида икки македонияликфуқаро ва Туркия делегациясининг икки вакили ҳалок бўлган. Туркия парламенти депутатлари ва журналист аёл оғир ярадор бўлишди. Автоҳалокат муносабати билан Туркия Бош вазири ўз сафарини тўхтатиб, Ватанига қайтишга мажбур бўлди.

Танловдан воз кечишди

Англиянинг «Бритиш Петролеум» нефть компанияси «Роснефть» акцияларини сотиб олиш бўйича танловда иштирок этишдан бош тортди. Компания вакили буни жаҳон нефть бозорида ноқулай вазият юз берганлиги билан изоҳламоқдалар. Кеча эса «Бритиш Петролеум»нинг консорциум бўйича шериги «ОНЭКСИМбанк» ҳам танловда иштирок этишдан воз кечди. «Ройял-Датч-Шелл» эса «Газпром» ва «Лукойл» билан қўшма консорциумдан чиқишга қарор қилди.

Карелиядаги қароргоҳ шайланди

Карелиядаги «Шуйская Чупа» қароргоҳи Президент Борис Ельциннинг келиб дам олишига шайлаб қўйилди. 12 июлгача учиш-қўниш йўлакчаси ҳам таъмирлаб бўлинади. Дастлабки маълумотларга кўра, Борис Ельцин 14-15 июлдан бошлаб меҳнат таътилига чиқади. У билан бирга оила аъзолари — турмуш ўртоғи, болалари ва неваралари Карелияга келишади. Айни пайтда Президентнинг дам олиш дастури ишлаб чиқиляпти. Ельцин қатор саёҳатларга боради, кўргазмаларни томоша қилади ва табиат қўйнида дам олади. Албатта, балиқ овини ҳам унутмайди.

Берберларнинг ғазаби

Жазоирда тил тўғрисидаги янги қонун амалга киргандан сўнг берберларнинг ғазаби қўзиб, норозилик намойишлари ўтказишмоқда. Юқорида таъкидланган қонунга кўра мамлакатдаги ягона расмий давлат тили араб тили ҳисобланади. Хорижий тиллар, айниқса француз ва бербер тилида сўзлашганлар сезиларли миқдордаги пул жарималари тўлайдилар. Жазоирдаги саккиз миллион бербер эса мамлакатнинг араблаштирилаётганига қарши чиқмоқдалар. Жазоир Франция истибдодидан 1962 йилда озод бўлганидан сўнг берберлар ўз мухториятларини кенгайтиришга, ўз тилларини эса расмий равишда тан олинишига эришиш учун курашиб келаётирлар.

Жазоир Президенти Зеруаль эса бундан олти йил аввал мамлакатда эълон қилинган фавқулодда ҳолатни бекор қилиш имкониятлари йўқлигини айтди. Кейинги пайтларда бу ерда оммавий қотилликлар юз бермоқда. Айниқса, берберлар яшайдиган Кабилия туманида тўс-тўполонлар бўлаётир. Бинобарин, берберлар ўз қабиладошлари, таниқли қўшиқчининг ўлдирилишидан ғазабда эдилар. Устига-устак араб тили Жазоирдаги ягона расмий тил деб эълон қилинди. Шу бойс ҳам берберлар қуролли отрядлар ташкил этишмоқда. 22 июль куни эса Жазоирдаги вазият билан танишиш учун БМТнинг Португалия собиқ президенти Суареш раҳбарлигидаги делегацияси ушбу мамлакатга келади.

XXI аср Ўзбекистон ёшлари

Шонли ишлар бўсағасида

Намангандаги иқтидорли болалар ўзбек-турк лицейини мустақиллик тенгдоши дейиш мумкин. Етти йил муқаддам бу ерда дастлабки ўқувчилар қабул қилинган эди. Шу қисқа вақт ичида улар эришган ютуқлар нафақат вилоят ва республикамиз доирасида, балки хорижда ҳам эътироф этилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзидагина лицейнинг етти нафар ўқувчиси турли фанлар бўйича халқаро олимпиада ғолиби бўлди. Куни кеча яна бир хушхабар келди: лицейнинг юқори синф ўқувчиларининг бешта илмий иши Варшавада бўлиб ўтган "Нобель мукофотига дастлабки қадам" халқаро танловининг фахрий дипломлари билан тақдирланди. Улар орасида 11 синф ўқувчиси Денис Обидовнинг физика бўйича илмий лойиҳаси ҳам бор.

— Мен илмий ишимда сувни турли аралашмалардан, жумладан, мой ва бошқа суюқ аралашмалардан тозалашнинг янги, жуда тежамли усулини асослаб беришга ҳаракат қилдим, — дейди Денис. — Келгусида ўз ғояларимни амалда жорий этиш билан шуғулланмоқчиман. Буни уддалай олсам керак. Варшавадаги халқаро танловда дастлабки илмий ишимга юқори баҳо берилгани бунга далил бўла олади. Очиғини айтсам, мен бундай натижани кутмаган эдим. Биз, юқори синф ўқувчилари, кўп иш қила олишимиз мумкинлиги маълум бўлди. Республикамизнинг мустақилликка эришгани ҳар биримиз ўз қобилиятимизни рўёбга чиқаришимиз учун жуда катта имкониятларни очиб берди.

Денисниг бу фикрини синфдоши Дамир Шамсуддинов қўллаб-қувватлади. У яқинда Истанбулда бўлиб ўтган ва жаҳондаги 25 мамлакатнинг ёш экологлари иштирок этган халқаро экология олимпиадасида ғолиб бўлиб қайтди.

— Олимпиада ғолиби сифатида менга олтин медални топшираётганларида Ўзбекистон мадҳияси тантанавор янграганида фахрланиб кетдим, — дейди Дамир. — Ишончим комилки, бошқа халқаро анжуманларда ғалабага эришган тенгдошларим ҳам шундай туйғуларни ҳис этишган. Дарвоқе, бу менинг хорижга биринчи сафарим эмасди. Олтинчи синфда ўқиётганимдаёқ Туркияда дам олганман. Етти йил муқаддам шундай бўлишини тасаввур қилиб бўлармиди! Биз мамлакат ёшлари тўғрисида доимий ғамхўрлик қилаётган халқимиз, Президент ва ҳукумат олдида бурчлимиз. Бу ғамхўрликка ватанимизнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш билан жавоб берамиз.

Назира ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири.

Хабар

Қирғизистон ҳудудидаги тоғларда қорнинг тез эриши ва Шоҳимардонсой дарёсида сув оқимининг кескин кўпайиши натижасида шу йил 8 июлда Фарғона вилоятидаги Шоҳимардон қишлоғида сув тошди. Натижада қурбонлар ва вайронгарчиликлар содир бўлди.

Аҳолига ёрдам бериш ва табиий офат оқибатларини тугатиш учун Ҳукумат комиссияси тузилиб, иш бошлади. Бу ишга Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари кучлари ва воситалари жалб этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

Луқма

Кармана бозорини биласизми?

Навоий вилоятидаги Кармана қадимий Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарлари билан тенгдош. Ундаги тарихий обидалар, масжиду мадрасалар, кенг ривожланган кулолчилик ва ҳунармандчилик ҳам узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бозори ниҳоятда гавжум бўлган Буюк ипак йўлини Карманадан ўтгани, карвонсаройларнинг кўплиги савдо-сотиқнинг ривож топганидан далолат. Қадимда бозорнинг қандолатчилик, чармгарлик, эшиксозлик, ипакчилик, деҳқончилик, тунукасозлик расталари бўлиб, исталган мол топиларди.

Хўш эндичи? Ҳозир ҳам Кармана бозорида Ургут, Ғиждувон, Қўқон бозорларида бўлганидек анқонинг уруғигача топилади дейиш мумкинми? Афсуски, йўқ! Очиқ айтиш керакки, Кармана бозоридан путур кетди. Тижорат, воситачилик баҳонасида ташландиқ бозорга айланиб қолди. Айниқса, деҳқончилик бозоридан тижорат ва воситачилик бозорининг ажралиши ишнинг белига тепди. Қарийб 5 миллион сўмлик маблағ сарфланиб эски тижорат бозори С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги ҳудудига топширилди-ю, бозорчилар дарбадарлиги бошланди. Оқибатда карманалик тижоратчилар Навоий шаҳри Шанба бозорини қулай билишиб, мол-мулкни ўша ерда сота бошлашди. Қарабсизки, Кармана бозори ачинарли ҳолга тушиб қолди. Ҳозир эски Кармана бозорида ойига 120-125 минг сўм атрофида савдо қилиняпти, холос. Агар тижорат бозори ҳам шу ерда бўлса, ҳар ойи 300-350 минг сўм савдо бўлиши мумкин.

Тўғри, ҳақиқатдан кўз юмиш қийин. Кейинги икки-уч йил ичида эски Кармана бозорида бир қатор ўзгаришлар қилинди. Пишиқ ғиштдан бозор дарвозаси, усти ёпиқ айвонлар, янги-янги расталар тикланди. Аммо, булар ҳам қадимги бозор гавжумлигига асос бўлолмаяпти. 10-15 минг киши бемалол бозор-ўчар қиладиган майдон ҳозир бўм-бўш. Шундай экан, қадимги Кармана бозори шуҳратини қайта тиклаб, жаҳон бозори даражасига кўтариш вилоят ва туман ҳокимлиги мутасаддиларига боғлиқ. Акс ҳолда, тижоратчилар сарсонгарчилиги давом этаверади.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП ахбороти

Фаолиятимизни янада такомиллаштирайлик

Кеча Бухорода бўлиб ўтган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари котибларининг республика семинарида ЎзХДП Марказий Кенгаши XVIII пленумининг «Мамлакатдаги туб иқтисодий ислоҳотлар ҳозирги босқичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси маҳаллий кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида»ги қарори жойларда қандай амалга оширилаётгани ҳақида фикр юритилди.

Бухоро вилояти ҳокими С. Қ. Ҳусенов семинар иштирокчиларини қадимий Бухороий шарифга ташрифлари билан самимий қутлаб, мустақиллик йилларида вилоятда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Семинар қатнашчилари ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. М. Жалоловнинг «Мамлакат тараққиётининг ҳозирги даври хусусиятлари ва ЎзХДП маҳаллий ташкилотларининг долзарб вазифалари тўғрисида»ги маърузасини тингладилар. Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби И. А. Кочмарик «Партия маҳаллий ташкилотларининг ўз-ўзини молиявий таъминлаш муаммолари ҳақида» маъруза қилди.

Анжуманда ўзаро тажриба алмашиш юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг биринчи котиблари — А. Асанов, Ф.Омонов, Ҳ. Эрматов, С. Раҳимов, Ж. Нуруллаев, Л. Ғуломовлар қатнашиб, ХДП дан сайланган депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, партия сафини ўстириш ва мустаҳкамлаш, кадрлар салоҳиятини яхшилаш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, партия ташкилотлари молиявий аҳволини ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини яхшилаш борасида тўпланган тажрибалар ҳамда бу борада ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар хусусида гапирдилар.

Семинар қатнашчилари вилоятдаги қатор партия ташкилотлари фаолияти билан бевосита танишдилар. Уларда «Зардўз», «Бухоротекс», «Бухороёғ» ҳиссадорлик жамиятлари, Вобкентдаги вилоят аёлларни соғломлаштириш маркази меҳнат жамоалари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг ибратли фаолиятлари чуқур таассурот қолдирди.

Семинар иштирокчилари Бухородаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдилар, оламга машҳур тарихий обидаларни бориб кўрдилар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хотира

Унинг чегараси, миқёси ва

Муқаддима

Хотира майдони. У турли одамларда турлича бўлади. Бировда бутун оламни қамраб олган жамики ҳодисаларни ўзида мужассам этган, эзгулик ва яхшиликка даъват этувчи илоҳий қудрат. Кимгадир ўтмишдаги ёвузликлар, жаҳолат ва ҳурофотни тўплаб, оламга, одамларга бекиёс изтироб келтирувчи шайтоний ҳодиса. Бундай киши ҳаётдан фақат иллат қидиради, одамлардаги нуқсонларни дунёвий фожиага айлантиради. Жаҳолат кучи ҳаммаёқни остин-устун қилади. Бу инсоннинг маънавий-руҳий, маданий-ахлоқий имкониятидан келиб чиқади.

Шундай экан, хотира майдонини эзгулик макони, яхшилик хазинасига айлантириш зарур.

Умуман олганда хотира — улкан ва ноёб хазина. У яшаб ўтилган даврдаги ва ундан олдинги барча воқеа-ҳодисаларни ўзида жамлайди. Бу айниқса фикр кишиси, ақл-идрок йўли билан иш тутадиган одамлар учун улкан бойлик. Хотиранинг маънавий қудрати, инсонни яхшиликка даъват этгувчи ва эзгуликка чорловчи мўъжизаси шундаки, у тафаккур орқали, ақл-идрок ва тушунчалар орқали ўтмишни англашга, уни ўрганишга, ижобий хулосалар чиқаришга ва ўз тақдирини, келажагини ана шу хулосалар асосида йўлга қўйишга имкон беради.

Хотира шундай руҳий-маънавий қудратки, у инсоннинг инсонлигини англатувчи, уни ўтмиш ва истиқбол билан боғлаб турувчи буюк қадрият, илоҳий манба. Инсоннинг бутун маънавий-руҳий, ижтимоий-ахлоқий белгиларини ўзида мужассам этади. Хотира ёрқинлиги, хотира тиниқлиги — руҳ тиниқлиги, туйғулар мусаффолиги. Хотира тозалиги — хаёлот тозалиги, ўйлар, орзу-мақсадлар, интилишлар покизалигидир.

Ватан хотираси

Мустақиллик бизни жуда кўп нарсаларга, жумладан, Ватан, юрт тушунчаларига муносабатимизни ҳам ўзгартириб юборди. Энди биз Ватан деганда баландпарвоз, бақириқ-чақириқларга, заминдан узилган ҳавойи шиорларга чек қўйиш зарурлигини англай бошладик. Дарҳақиқат, собиқ шўролар даврида биз ана шундай баландпарвоз шиорларга ўч бўлдик, унга ишондик, инондик. Ватанимизнинг бепоёнлиги, Шимолдан Жанубгача, Мағрибдан Машриққача «сарҳадсиз ва ҳудудсиз» эканлигидан билиб-билмай, тушуниб-тушунмай ғурурланардик ҳам.

Истиқлол туфайли Ватан, Она-юрт тушунчалари маъно-мазмуни бутунлай ўзгарди. У бевосита **миллий қадриятга айланди. Ўзлигинг, бир неча минг йиллар мобайнида қонингда, жонингда, руҳингда яшаб келаётган жамики қадриятлар силсиласига айланди. Ватан бевосита туғилган гўшанг, муқаддас остонанг, наслу насабинг, шону шавкатинг, инсоний шаънинг, миллий мансублигинг билан боғлиқ бўлган жуда нозик, айни пайтда ниҳоятда улуғвор, мўътабар туйғу эканлигини англай бошладик.**

Айниқса, Ватан тушунчаси, унинг бутун мазмун-моҳияти давлат сиёсати даражасига кўтарилгач яна ҳам улуғлик ва муқаддаслик касб этади. Зотан, истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ, **юртбошимиз мустақиллик моҳиятини икки илоҳий қудрат — Ватан ва Миллат тушунчаси билан боғлиқ ҳолда тушуниш, ана шундай англаш ва ҳис этишга даъват этган эди.** Бу истиқлолнинг ўтган етти йиллик даврида йилдан-йилга ривожланиб, ўз мазмун-моҳиятини бойитиб, таъсир доирасини кенгайтириб борди. Натижада ҳар бир хонадонга, ҳар бир юракка жойланди. Улкан Ватан юки, сеҳри, жозибаси ҳар бир фуқаро қалбига — кичик ва мўъжаз Ватанга жо бўлди.

Яқинда Президент ҳузурида бўлган кенгашлардан бирида Ҳадиси шарифдаги «Ватанни севмоқ иймондандир» деган ибора атрофида фикр юритилди. Ўшанда Президент **«Юртини ҳимоя қилолмайдиган, унинг бошига хавф тушса ҳатардан озод қилишни билмайдиган кишини қандай баҳолаш мумкин? Ватанга садоқат, она-юртга содиқликни нима билан ўлчаса бўлади? Ана шундай инсоний фазилатларнинг ўлчови битта. Уни фақат иймон билан баҳолаш мумкин. Иймони бор одам меҳру-муҳаббатли бўлади, садоқатли ва фидойи бўлади. Ватанни асраш ва ҳимоя қила олиш учун одамда иймон бўлмоғи керак»,** деди.

Президентнинг фикрича, Ватанга муносабат онгли бўлмоғи керак. Ҳаётга, атроф-муҳитга ақл-идрок йўриғи билан назар ташлаш зарур. Акс ҳолда у хом, юзаки ва ҳавойи туйғулардан иборат бўлиб қолади.

Одам туғилган жойидан анча олисда — хорижий элларда бой-бадавлат бўлиб, ҳеч нарсага зориқмай яшаши мумкин. Тақдир тақозаси билан киши турли мамлакатларда ҳаёт кечиришга тўғри келади. Бироқ, агар ўша одамнинг иймони бутун бўлса ўзга юртда, бегона заминда бахтли бўла оладими? Йўқ албатта! Унинг ичини доим нимадир кемириб туради, нимадандир қониқмай, кўнгли ғаш, хотираси, руҳи синиқ бўлиб яшайди. Ана шу қониқмаслик Ватан ҳисси эканлигини, унинг қонида аждодлар қони, руҳида аждодлар руҳи яшаётганини, ана шу туйғулар уни безовта қилаётганини гоҳ пайқайди, гоҳ пайқамайди. Бундай безовталик ва беҳузурликни ҳеч нарса билан қондириб бўлмайди. У жамики ҳаёт лаззатидан, моддий бойликлардан устун туради. Охир-оқибатда кишини абгор қилади.

Аслини олганда Ватанни севмаслик ҳам мумкин. Яшайман деса, яшашга арзигулик, бир-биридан гўзал, роҳатижон гўшалар ер юзида кам эмас. Дарахт ҳамма жойда ўсади, гўзаллик ҳамма жойда бор, шарқироқ сойлару пурвиқор тоғларни кўп жойда кўриш мумкин. Лекин бу комил ҳар томонлама баркамол инсон учун азизу мукаррам бўла оларми-кин? Хоҳлаган жойда, кўнгли тусаган маконда яшаган билан киши бахтли бўла оладими? Ҳамма гап ана шунда!

Ватангадолик охир-оқибатда инсонни кемириб, адо қилади. Агар чиндан ҳам кишида Ватан хотираси мавжуд бўлса, Ватан тарихи, унинг ўтмиши киши қалбида ва хотирасида чуқур ўрнашган бўлса, ҳатто у бошқа юртда туғилган тақдирда ҳам ота-юртини, она-Ватанини қўмсаб яшайди.

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, бухоролик шоир, марҳум Тошпўлат Ҳамид кўз ўнгимда гавдаланди. У ҳар доим Ватан ҳақида шу қадар завқу шавқ билан сўйлардики, Бухоронинг поёнсиз чўлларини, дашту биёбонларини шу қадар катта меҳр билан севардики, у юрти ҳақида гап очганда бутун амалу шуҳратларини унутарди. Бола каби севиниб, яйраб-яшнаб гапирарди. Ғурур, фахру ифтихор, юртга садоқат туйғулари кўзларидан, юзларидан балқиб турарди.

Қайсин оға, Расул оғалар
Тоғларни куйласин майли.
Менга Қизилқумим бўлса бас,
Олов юраклиги туфайли,

— дерди ва ўзининг бутун дунёсини, бутун бойлигу ҳаёт завқини Қизилқум жазирамаларида кўрарди. Тап-тақир дашт бўлса ҳам Ватаннинг бир бўлаги — юрагининг бир парчаси эканлигидан сўйларди.

Исканжадаги хотира

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабани нишонлаш биз учун одат бўлиб қолган. Дарҳақиқат, ғалаба кунини байрам қилишнинг ўзига хос мазмуни ва шукуҳи бор. Ғалабанинг энг катта қадрияти шундаки, у ер юзидан фашизмни барбод қилди. Бироқ, ана шу тарихий ҳодисадан шўро ҳокимияти ўз мақсадларини амалга оширишда устомонлик билан фойдаланди.

Президент Ислом Каримов байрам куни урушда қурбон бўлганлар хотирасини эъзозлар экан, жуда катта муаммони ўртага ташлади. Дарҳақиқат, пойтахтнинг энг улкан хиёбонларидан бирида Одесса, Севастополь, Керчь ва бошқа ўнлаб шаҳарларда ҳалок бўлганлар хотираси абадийлаштирилган. Бу улкан хотира майдони шўро сиёсати ва коммунистик мафкура асосида миллатларни йўқ қилиб юбориш, «ягона совет халқи»ни вужудга келтириш каби ғайриинсоний сиёсат маҳсули эди. Президент ушанда ҳаёт ҳақиқатини дадиллик билан очиб ташлади. Миллий қадриятларимизнинг ҳамма кўриб, гувоҳ бўлиб туриб, эътибор бермаган, англамаган томонларини очиб берди. **«Нима учун ана шундай қаҳрамон ва фидоий оталаримиз руҳи шод этиладиган, уларнинг арвоҳлари қувонтириладиган бир пайтда биз қайсидир хорижий шаҳарлар ва улар билан боғлиқ бўлган сиёсий ўйинларни эслашимиз керак?**

Бу майдонда Севастополь ёки Одесса-

1 2

Эзгу мақсад йўлида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, Иштихон туман ҳокими С.Ғ.Муродов билан суҳбат.

Ислоҳот ва масъулият

— Собир Ғаниевич, туман ҳокими сифатидаги фаолиятингиздан, депутатлик дастурингизни амалга оширишдаги ишларингиздан қаноат ҳосил қиляпсизми?

— Эзгу мақсад билан тузилган дастур ҳеч қачон қоғозда қолиб кетмаслиги лозим. Бильакс, у шунчаки «қоғоздаги ваъда»га айланиб қолади. Шу боис дастурга киритилган ёки ҳаёт тақозосига кўра пайдо бўлган бошқа зарур муаммоларни ҳам тегишли ташкилотлар, масъул кишилар, мутахассислар билан баҳамжиҳат ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Биринчи галда, туманимиз аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси кўндаланг турарди. Дамхўжа, Навоий, Бухоро ҳудудларо сув қувурлари орқали туманимизга обиҳаёт келтириш дастуримизда бор эди. Унга кўра 13,2 километрлик масофага қувурлар ётқизилиши кўзда тутилган. Ҳозиргача қувурларнинг асосий қисми ўзаро уланди. Шу йил охиригача бу иш ниҳоясига етказилиб, халқимиз юз фоиз тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўла бошлайди.

— Элимизда, савоб қилсанг — бутун қил, деган нақл бор. Хўш, улкан иншоотлардан катта-катта қувурлар орқали сув келтирилгач, унинг «тақсимоти» қандай бўлади?

— Буни ҳам тўғри режалаштирганмиз. 100 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Туманимиздаги 12 та хўжаликлараро сув қувурлари қурилиши мажмуасини ишга тушурамиз. Қарабсизки, ҳар бир қишлоқ хонадонларигача сув қувурлари етиб боради.

— Дастурингиздаги аҳолини табиий газ билан таъминлаш муаммоси-чи?

— Шу йилнинг дастлабки беш ойидаёқ 25 километр масофага газ қувурлари ётқизилди. Дастлаб «Туркистон», «8 Март», Охунбобоев номли хўжаликларда қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилади. Йил охиригача эса яна 60 километр масофага газ қувурлари ўтказилиб, Мурод Жўраев номли, Ҳамид Олимжон номли, Шароф Рашидов номли хўжаликларга қарашли хонадонларда ҳам «зангори олов» гуриллайди. Насиб этса, шу билан туманимиз аҳолиси юз фоиз табиий газдек бебаҳо неъматдан баҳраманд бўлади.

— Мустақиллик байрамини қандай совғалар билан кутиб оляпсизлар?

— Ҳар бир киши умри давомида лоақал битта ғишт қўйиши ёки битта кўчат экиши ҳам фарз, ҳам қарз экан. Туманимизда сўнгги йилларда қад ростлаётган замонавий иморатлар кўлами ва сифати жиҳатидан меҳнаткашларимиз кўнглига ўтиради деб ўйлайман. Жумладан, Амир Темур номли ва Мурод Жўраев номли хўжаликларда иккита қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилди. Умуман, бундай саломатлик масканлари сони йил охиригача 15 тага етказилади.

Булардан ташқари 10 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, 300 ўринли ошхона, Алишер Навоий номли хўжаликда 400 ўринли, Абдулла Бердиқулов номли хўжаликда эса 320 ўринли замонавий мактаб бинолари ҳам юртимизнинг Мустақиллик байрами кунлари фойдаланишга топширилади.

Бундай эзгу ишларни амалга оширишда Олим Очилов, Абдирасул Жулибоев каби уста қурувчилар етакчилик қилишаётган хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланмалар жонбозлик кўрсатмоқда.

Ваъдага вафо, деган гап бежиз айтилмаган. Модомики, дастур, режа тузилар экан, унинг замирида элимиз манфаати туришини ёддан чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Халқимизнинг камарбасталиги билан барча ниятларимиз амалга ошаверади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ЭШБЕК суҳбатлашди.

Тошкент Давлат техника университети талабалари — бўлажак заҳирадаги зобитлар ҳарбий артиллерия қисмида машқлар ўтказишмоқда. Ҳарбий кафедра мудири, полковник Воҳид Султонхўжаев раҳбарлигида талабалар ўқув ва спорт залларида, аудиторияларда ҳарбий билимларни эгалламоқдалар. Мураккаб ҳарбий техника ва қуролярочларни таъмирлаш, уларни йиғиш бўйича амалий дарслар ўтмоқдалар. Машқларнинг ҳар бир куни самаралий ўтяпти.

Куни кеча ёш зобитлар ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Улар тантанали равишда Ватанга садоқат кўрсатиш учун қасамёд қилдилар.

Суратда: майор Фосиқ Раҳмонқулов бўлажак заҳирадаги зобитлар билан.

Равшан НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Менда таклиф бор

Кўрсаткичлар аниқ бўлса

Етти ўлчаб бир кес, деганларидек, баъзи катта ишлар, улкан вазифаларни амалга оширишда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Лотин алифбосига асосланган ёзувга ўтилаётгани жуда хайрли иш. Унга маълум давр орасида босқичма-босқич ўтилаётгани ҳам оқилона ўйлангани аён. Мактабларда, ўқув муассасаларида ёш авлодга янги ёзувимиз пухта ўргатилаётгани, дарсликлар, бошқа зарур китоблар пешма-пеш нашр этилаётгани айни муддао.

Бироқ, кўчалардаги ёзувларни ўзгартиришда шошма-шошарлик қилинмагани маъқулмикин?.. Тўғри, баъзи вилоят, туманларда кўрсаткичларни ёзишда жуда оқилона йўл тутилган. Яъни, кўрсаткич иккала алифбода ҳам ёзилган. Бунда ўтган-кетганлар янги ёзувни тезроқ ўрганишлари учун ёрдам беради. Тайёр «луғат»ни ўқигандек бўладилар-да! Жиззах вилояти ҳудудидаги йўлларда бундай «луғат»симон ёзувлардан кўпчилик мамнун.

Бошқа кўчаларда эса бирйўла лотин алифбосида ёзишга киришилди. Бунинг нимаси ёмон, дерсиз? Гап шундаки, аксарият ҳайдовчилар катта ёшдаги кишилардир. Улар янги ёзувимизни тез илғаб олишлари, ўрганишлари қийинроқ кечиши табиий. Олтмиш ёшни қоралаган бир ҳайдовчи шундай деди: «Олисдан бешта «ОООО» . ҳарфларини кўриб атай машинамни тўхтатиб қарасам, ўша «О»ларнинг остида, тепасида вергулга ўхшаш элементлари бор экан. Бораётган йўналишимда «Қўқон» борлигини эслаб, ўша ёзувни «тушундим»...

Тезлик билан ҳаракатланаётган машиналарнинг ҳайдовчиларини ҳам тўғри тушунмоқ керак. Қолаверса, янги ёзувга 2005 йилгача ўтилиши бежиз эмас. Ундан кейин ҳам ҳозирги ёзувларимиз анча-мунча асқотиб турса кераг-ов. Шундай экан, ҳозирча йўллардаги кўрсаткичларни ёзишда ҳар иккала ҳарфлардан ҳам фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўлқин УСМОН ўғли

Фақат ер тўйдиради

(Нима? Қачон? Қандай қилиб?)

Ер кодекси лойиҳаси муҳокама қилинаётган йиғилишлардан бирида айтилган фикр менга жуда маъқул бўлган эди. — Ер масаласи қадимдан энг жанжалли масала бўлиб келган, — деганди ушанда бир ҳуқуқшунос. — Ёддан чиқармаслигимиз керак, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Чунки, ҳар қандай тараққиётга эришмайлик, асосий тўйдирувчи омил фақат ва фақат ер. Шунинг учун ҳам ушбу қонуннинг ҳар сатри устида етти ўлчаб бир кесиш зарур.

Таҳририятимизга Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл туманидан келган хатни ўқиб кўрганимда бу гаплар яна бир бор ёдимга тушди. — Қонунларни, айниқса ер тўғрисидаги тартиб-қоидаларни билмаслигимиз ҳаётда жуда кўп чалкашликлар, чигалликлар, жанжал-можаролларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда, — деб ёзади «Ўзбекистон» деҳқон-фермер хўжалигидан Йўлдош Тўхтабоев. Шунингдек, бир-нечта саволлар билан мурожаат қилар экан, уларга жавоб беришимизни сўрайди.

Тўғриси, бу хат бизнинг кўзимизни яна бир бор очгандай бўлди. Қонун тарғиботи учун йўл топилгандай эди. Дарҳол Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Юридик бошқармаси билан боғландик. Улар ҳамкорликка бажонидил розилик билдириб, бизнинг, газетхонларимизнинг ҳар қандай саволларига жавоб бериш учун тайёр эканликларини билдирдилар. Ҳозир Тўрткўллик биродаримизнинг долзарб ва баъзан қитмирроқ саволларига аниқ, қонуний жавобларни ҳавола қиляпмиз. Балки жавобдан кейинги ўзгаришлар ҳақида яна хат олармиз. Бошқа юртдошларимиздан эса ўзларини қийнаётган саволларни кутиб қоламиз.

Савол: Шўролар замонида I категорияли канал ёқасидан 60 (олтмиш) метр канал ҳисобига қолдирилар эди. Шу олтмиш метр майдондан кейин уй қуришга рухсат қилинарди. Янги қонунимизга кўра-чи?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 7 апрелдаги 174-сонли қарори билан тасдиқланган Низомига кўра ҳозирги вақтда магистраль каналлар бўйларида сувни муҳофаза қилиш учун зоналар ажратилган бўлиб, бу майдон секундига 50-100 куб метргача сув ўтказиш қувватига эга бўлган каналлар учун 100 метр, секундига 100-150 куб метргача сув ўтказиш қувватига эга бўлган магистраль каналлар учун 200 метр, секундига 150 куб метрдан ортиқ сув ўтказиш қувватига эга бўлган магистраль каналлар учун 300 метр қилиб белгиланган.

Савол: Ерни (бировнинг томорқасини) сотиш, ижарага бериш, сотиб олиш мумкинми?

Жавоб: Йўқ. Амалдаги ер қонунчилигига кўра ер фуқароларга маълум мақсадлар учун (фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш, иморат қуриш ва ҳ.к.) берилади ҳамда уни сотиш, иккиламчи ижарага бериш, сотиб олиш мумкин эмас.

Савол: Агар фуқаро томорқа олсаю ундан фойдаланмаса қандай жазо берилади?

Жавоб: 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 1998 йил 1 июлдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 36-моддаси 10-бандига кўра, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалик соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганда ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи бекор қилинади ҳамда берилган ер участкаси қайтариб олинади.

Савол: Фуқаро бошқа туман, вилоятда яшаб туриб бошқа ҳудуддан ўзига, болаларига ер, томорқа олиб қўйиши мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас. Юқорида тилга олинган янги Ер кодексининг 27-моддасига кўра, ер участкалари шу аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилади.

Савол: Агар фуқаронинг ери, айтайлик, 5 сотихдан ортиқ бўлса, унга неча сўм солиқ тўлаши керак?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси янги Ер кодексининг 28-моддасига кўра, ер учун ҳақ ҳар йили тўланадиган ер солиғи шаклида олинади ва унинг миқдори ер участкаси сифатига, жойлашишига, сув билан таъминланиш даражасига қараб белгиланади.

Савол: Хўжалик ўз аъзосига иш ҳақи тўлай олмаса 5-6 сотих ер бериб ёрдам қилиши мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас. Янги Ер кодексининг 16-моддасига кўра, «Ер давлат мулки — умум миллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно».

Савол: Деҳқон, фермер хўжаликлари учун белгиланган штат нормаси кўзда тутилганми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси «Корхоналар тўғрисидаги» Қонунининг 15-моддасига кўра, мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар корхоналар ўз низомларига мувофиқ бошқарилади, бошқарув структураси, шакли ва услубларини мустақил аниқлаб, иш ўринларини ҳам ўзи белгилайди.

Савол: Қариндош уруғлар бир корхонада бирга хизмат қилишлари мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддасига кўра, «Ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Бу қоидадан истисноларни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.

Ҳуқуқ ва талаб

Савол: Деҳқон ёки фермер хўжалиги дон топшириш бўйича давлат буюртмасини бажарса, ортиғини мажбуран тортиб олиш мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас. Давлат буюртмасидан ортиғини тайёрлов идораси фақатгина келишилган нархлар асосида олиши мумкин, аксинча, деҳқон ёки фермер хўжалиги буюртмадан ортиғини хоҳлаган жойига, хоҳлаган идорага, хоҳлаган нархда сотиб даромад олиши мумкин.

Деҳқон ёки фермер хўжалиги буюртмадан ортиқ бўлган донни мажбуран тортиб олган, шунингдек, тортиб олишга фармойиш берган мансабдор шахс устидан судга мурожаат қилиши, унга нисбатан жавобгарлик масаласини кўриб ўзининг поймол қилинган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаб беришни сўраши мумкин.

Бугунги жавоблар учун эса Юридик бошқарма етакчи мутахассиси Шарофиддин Маманабиевга миннатдорчилигимизни билдирамиз

Нурбек ТОШНИЁЗ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

майдони

аҳамияти ҳақида айрим мулоҳазалар

га эмас, ана шу жойларда фашизмга қарши жанг қилиб, қурбон бўлган термизлик, нукуслик, қаршилик ёки андижонлик Ватандошимизга ёдгорлик ўрнатишимиз керак. Ана шунда у қалбимизда миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини кучайтиради. Фарзандларимиз зиёратга келганда «Менинг аждодларим ана шу Ватанни ҳимоя қилиш учун қурбон бўлган. Мен ҳам шундай бўлмоғим керак»— дейди. Дарҳақиқат, Европада жанг қилган ўзбек йигити жон олиб, жон бераётган, ҳаёт-мамот жанги дақиқаларида айни ўша юрт ҳақида ўйламаган. Унинг кўз ўнгида энг аввало ота-онаси, қариндош-уруғи, бева қолган келинчаги гавдаланган. Бо-

Абадий висол деб билди келинчак.
Қақраган лабларда оловли нафас,
Кечалар кечмишин айлади кўмир.
Паришон сочлари ёр кўкси эмас,
Муздайин болишда қолди бир умр.
Йиллар ҳам ўтдилар, ҳамон у ёлғиз,
Мунғайиб термулар боттувчи кунга.
Эй номард табиат, борми сенда ҳис,
Қайтадан бахт берсанг бўлмасми унга?!

Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм,
Бунчалар буюксан вафо шеваси.
Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим,
Қаҳрамон жангчининг содиқ беваси.
Сиз-чи эй, садоқат сатридан нолиб,
Надомат комида қолганлар, айтинг.

Ўзини минг битта бозордан олиб,
Минг битта бозорга солганлар, айтинг.

Шу чўлпон кўзларнинг буюк ҳурмати,
Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея,
Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати,
Сиз ҳам кутганмисиз бирор сония?!
Баъзида тирноқлар безаги учун
Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат.
Бироқ ёрингизни кутгани нечун
Топилмас тирноқча сабру қаноат.
Назокат пайтимас, яқинроқ келинг,
Буюк зот қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.
Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар муҳтарам бўлмасди аёл.

Дарҳақиқат, йигитларнинг қонли мактублари, «келинларнинг фироқдан чиққан ёҳулари», Ватан тимсоли эмасми?! «Севгидан етиму умридан ярим», «абадий фироқни абадий висол» деб билган келинчак фарёдида, «ботгувчи кунга мунғайиб термулган нигоҳларида» Миллат шаъни, юксак ахлоқий ва баркамол маънавий қиёфаси мужассам бўлмаганми?! Биз бугун ана шу етуклик ва комиллик хотирасини, ўчмас хаёлотни абадийлаштирсак, аждодлар ва арвоҳлар олдидаги бурчимизни уддалаган бўламиз!

3

Президент уруш қурбонлари ҳақида гапирар экан, яна бир нарсага диққатни тортди: **«Номаълум солдат» нима дегани? У нимани англатади? Аслида бу рус тилидан тўғридан-тўғри таржима қилинган сохта ибора! Бу шаҳид кетган аскарни ҳақорат қилиш, унинг руҳини безовта қилиш эмасми? «Сенинг номинг номаълум, жасоратинг эса абадий» деган гапларни ҳам бир ўйлаб кўриш керак. Ахир бу нима деган гап? Бировнинг, бир тирик жоннинг меҳнати, хизмати, жасорати керак экан-у, унинг шахси, номи керак эмас экан-да! Коммунистик мафкуранинг асл мазмуни, мақсади айни ана шу ғоя эмасмиди?!**

Келинг, биз аждодлар хотирасини эъзозлайлик, уларнинг ҳурматини жойига қўяйлик, иззат-икром билан номларини улуғлайлик.

Ахир биз нега бефарқ бўлишимиз керак? Бир неча минг километрга бориб, жон олиб, жон берган қаҳрамон ҳамюртимизнинг номи, наслу насаби, миллати бизга муқаддас эмасми? Энди коммунистик мафкура иллатларига барҳам берайлик. Ўзимизни дадил тутиб, очиқ-ойдин гапирайлик. Сенинг номинг, наслу насабинг, миллатинг биз учун маълум. Сен билан фахрланамиз, кўксимизни тоғдай кўтариб юрамиз. Биз учун энг аввало номинг азиз, исминг қутлуғ, отинг мўътабар, кейин, жасоратинг абадийдир, демоғимиз керак».

Президент И. Каримовнинг фикрича, 9 май — Галаба кунини мафкурадан ҳоли қилиш, сиёсий чайқовчилик ва ғоявий ўйинлардан тозалаш даркор. Коммунистик ақидапарастлик, шовинизм таъсирида қолган бу мўътабар кунни ўз номи билан аташ, уни Ватан ва миллат равнақига, фарзандларимизнинг маънавий баркамол бўлишига, миллий ғурурни тиклашга хизмат қилдириш лозим. Бунинг учун биринчи галда тарих ҳақиқатини тиклаш, тарихга янгича муносабатда бўлиш, унинг очилмаган саҳифаларини очиш даркор. Буларнинг бари кишидан энг аввало том маънодаги ватанпарвар бўлмоқни тақозо этади.

Ҳамма замонда, ҳар қандай шароитда фидойилар топилади. Бироқ, **бугун мустақиллик, миллий истиқлол мафкураси кўр-кўрона фидойиликни — фанатикларни эмас, онгли, ақл-идрок билан иш тутадиган, ҳар қандай шароитда ҳам оқ билан қорани, яхши билан ёмонни, эзгулик билан ёвузликни ажрата биладиган фидойилар зарурлигини талаб этмоқда.**

Албатта фанатик ҳам Ватанни севади. У ҳам хоҳлаган пайтда Ватан учун ўзини фидо қилишга тайёр туради. Бироқ, қандай мақсадда фидо бўлиш керак, бу фидойиликдан жамиятга қандай фойда келади, келгуси авлодга нимаси билан ибрат бўла олади? Буни ҳар томонлама англай билмоқ керак, дейди Президент.

Яқин ўтмишимизга назар солайлик, 9 май кунлари жуда катта шов-шувлару тантаналар билан ҳарбий намойишлар ўтказилар эди. Албатта, бу Ватан қудратини, унинг нималарга қодирлигини кўрсатар эди. Бироқ, шаҳидларни эслаш, уларнинг иззатини жойига қўйиш, арвоҳларини шод этиш ундан ҳам кучли, тенгсиз маънавий қудрат эканлигини тан олмас эдик. Энди биз ана шу нарсага эътибор бермоғимиз керак.

Хотима

Хотира майдони. У турли одамларда турлича бўлади. Бировда кенг оламни қамраб олган жамики ҳодисаларни ўзида мужассам этган, эзгулик ва яхшиликка даъват этувчи илоҳий қудрат. Кимгадир ўтмишдаги ёвузликлар, жаҳолат ва хурофотни тўплаб оламга, одамларга бекиёс изтироб келтиргувчи шайтоний ҳодиса...

Атоқли адиб Чингиз Айтматов хотирасидан айрилган, ўз аждодларини, наслу насабини, Ватани ва Миллатини эсломаслик манқуртлик эканлигини айтади. Дарҳақиқат, манқурт киши ўзининг шахсини, ақл-идрокини унутган, хотира кучини йўқотган, ўтмишидан мосуво, келажагидан айрилган каби бедаволиқдир.

Хотира майдонининг ҳар бир тирик жонда, ҳар бир кишида қандай бўлмасин мавжудлиги — унинг тириклиги, ҳаёт мазмунини белгилайдиган қадриятдир. Ана шу муқаддас ва мўътабар майдон ҳар биримизда абадий бўлсин, эзгуликка эш бўлсин.

Хотира майдонимиз ўтмиш билан келажак ўртасида олтин кўприк бўлиб хизмат қилсин.

Хотира майдонимиз кенг, нурафшон бўлсин, келгуси авлодларга ёрқин таассуротлар қолдирсин. Уларнинг Ватан ва Миллатга садоқат, ўтмишга ҳурмат ҳиссини кучайтирсин.

Нарзулла ЖЎРАЕВ

4

Жаҳон кино юлдузлари

Қаҳрамоним – ўзим, ўзим – қаҳрамоним...

Энтони Куинн таниқли адиб, қобилиятли мусаввир, серқирра актёр. Энтонига Оллоҳ томондан берилган уч истеъдоднинг қайси бири устун? Инсонда кўп истеъдодлилик кам учрайдиган ҳодиса асли.

Мени Энтонининг кино актёрлик фаолияти кўпроқ қизиқтиради. Машҳур жаҳон кино актёрлари ижодини кўп кузатсамда, бармоқ билан санарлиларининггина мухлисиман. Улардан бири Энтони. У Голливуд актёрларидан ажралиб туради. Баъзи «юлдузлар» фақат Европа, Америка ёки Африка мамлакатлари фильмларида суратга тушиш билан чегараланиб қолаётгандек туюлади. Энтони эса турли миллатга мансуб буюк тарихий шахслар образини талқин эта олиш салоҳиятига эга ижодкор. Бунинг боиси бор, албатта.

Олтмиш йил кинода суратга тушиш актёрдан ҳазилакам изланиш, машаққат талаб этмайди.

Отаси ирландиялик, онаси Мексиканинг Чехокуа ҳиндуларидан бўлган Энтонининг ташқи кўриниши, кўркамлиги жаҳондаги мана-ман деган режиссёрларнинг эътиборини тортиб келарди. Алп қомати, қирғий бурни, бургутдек ўткир нигоҳи айнан «кино учун». Энтони 100 дан ортиқ бош ролда, 300 дан ортиқ эса иккинчи даражали образлар устида ишлади.

Фалсафий фильмлари билан жаҳонга таниқли италиялик режиссёр Фредрико Ферлени 1953 йилда «Йўл» фильмини суратга олишда бош қаҳрамон-циркчи Зампонини ўйнаш учун актёр ахтарарди. Режиссёр узоқ изланишдан кейин америкалик актёр Энтонини шу ролга таклиф этди. Уни кўрган ҳамоно режиссёр: «Айнан шу Зампо, ҳақиқий Зампони чиқара олади!» деганди. Эсингизда бўлса, бу фильм ўта фалсафий мазмунлидир.

Назаримда бу образ актёр учун катта шуҳрат шоҳсупаси бўлди.

Унинг асли исми Энтони Рудольф Каксако Сахасо. Таъкидлаш керак. У Зампосидан илгариёқ анчагина танилганди. Дастлаб 1936 йилда режиссёр Сасиль Демилнинг «Пароль» фильмида суратга тушганди.

Отасидан ўтган алп қомат, ҳиндуларга хос қуралай кўз. Бундай қиёфа айниқса, шарққа хос. Шунданми, араб оламида Куинни «ўз актёри»дек кўришади. Омар Шарифдек саньаткор ҳам унинг «араб роллари»ни ички бир қониқиш билан кузатишини эътироф этганди. «Умар Мухтор» тарихий фильмидаги ўз қабиласининг озодлиги учун курашган Мухтор-Энтони узоқ вақт мухлис шуурида «яшаши» шундан.

«Муҳаммад Оллоҳнинг элчиси» маърифий-тарихий фильмида ишлашдан аввал Энтони ислом таълимотини чуқур ўрганишга киришади. У бу картинада ҳазрат Ҳамзани ўйнади. Ислом тарихини чуқур англаган актёрнинг бу яратган образи энг етакчи — шоҳ асарга айлангани боиси шу.

Юлдузларни инжиқ дейишади. Энтони Куинни ҳам «бу роль мен учун эмас» деб кўплаб продюсерларнинг ҳафсаласини пир қилишга сабаб ҳам шудир, балки. Яна бир ҳамма юлдузга хослик — теварагидаги шов-шувлар. Энтони ҳам бундан мустасно эмасдек. Гўзал Кэтриннинг умр йўлдоши ҳақида ҳамиша илиқ фикр айтиши, баъзида мухлисларни ҳайратга соларкан. Унинг 13 нафар фарзанди бор. Ҳозир у 83 ёшда.

Кўпинча шунақа. Энтони Куинни эсласам кўз олдимда шўх рақсга тушаётган қария гавдаланаверади.

Ўзи айтгандай: «Ўзим қаҳрамоним, қаҳрамоним ўзим»дир. Ҳа, у яратган образлар шундай.

Саида БОНУ

Қачондан қаҳва ичилади?

Хушбўй қаҳвани хўплаб туриб хаёл сурасан, киши: «Қизиқ, қачондан буён одамлар қаҳва ичар эканлар?», «Нега уни қаҳва (кофе) деб атайдилар?» Чой сингари чанқоқни босувчи, овқатни яхши ҳазм қилувчи, бош оғриғини қолдирувчи қаҳва (кофе) ўз номини Жанубий Ҳабашистондаги Каффа қишлоғидан олган. Бунинг сабаби шуки, дастлаб ўша қишлоқ аҳолиси атроф чангалзорларида ёввойи ҳолда ўсувчи бир хил ўсимликнинг қаттиқ мевасини териб келиб қовуриб, туйиб, қайнатиб ичганлар.

Кофени бошқа жойларга ана шу Каффа қишлоғига бориб келган сайёҳлар тарқатганлар. Араб мамлакатларида етиштириладиган қаҳва олий нав ҳисобланиб, европаликлар кафе маккоо деб аташа бошлади. Чунки дастлабки кофе Европа мамлакатларига Макка шаҳридан жўнатилган эди.

Шифокорлар соғлом ва касал танага кофенинг таъсирини жиддий ўрганишга киришганлар. Дастлабки натижалардан маълум бўлишича, кофе таркибида кофеин моддасининг сероблиги, ўз навбатида қонда серотонин деган моддани кўпайтириб юборар экан. Серотонин бош мия томирларини ҳаракатга келтирувчи марказларнинг кўзғолувчанлигини кучайтиради. Унинг таъсирида юрак мускулларининг қисқариш кучи ва тезлиги ҳам ошади.

Кофенинг одам танасига таъсири яқинда ўрганила бошлаганлиги сабабли бу ичимлик таъсирининг ҳамма жиҳатлари тўла ошкор қилинганича йўқ.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Куролли тўқнашув юз берди

Анголанинг Лунда-Норт вилоятидаги Камащило шаҳри атрофида ҳукумат қўшинлари билан мамлакатдаги Унита ташкилоти ўртасида куролли тўқнашув юз берди.

Ангола миллий радиоси тарқатган хабарга қараганда, полициячилар ўтирган машина йўлда кетаётиб Унита жангчилари қўйган минага дуч келган ва 16 нафар полициячи ҳалок бўлган. Шу воқеа сабаб икки ўртада отишма бошланган.

Кузатувчиларнинг фикрича, БМТ бош котибининг Анголадаги тинчлик жараёни бўйича махсус вакили Алиун Блондэн ўлдирилгандан кейин мамлакатда вазият анча мураккаблашган.

Аэропорт ўққа тутилди

Афғонистонда "Толибон" ҳаракати жангарилари билан уларга қарши курашаётган бирлашган кучлар ўртасидаги жанглар давом этаяпти.

Куни кеча Аҳмадшоҳ Масъуд қўшинлари Кобул аэропортини ракеталардан ўққа тутган. Маълумки, толиблар Кобул аэропортидан ўзларининг ҳарбий мақсадлари учун фойдаланмоқда. Улар мамлакат шимолидаги тинч аҳоли истиқомат қилаётган шаҳар ва қишлоқларга ҳаводан ҳужум қилмоқда.

130 жиноятчи қамоққа олинди

Хитойнинг гиёҳвандликка қарши курашувчи махсус бошқармаси ходимлари томонидан Чунцин шаҳрида ўтказилган тадбирда 130 дан ортиқ жиноятчи қамоққа олинди. Улар доимий равишда наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланиб келган. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, жиноятчилардан 70 килограмм героин топилган. Маҳаллий полиция маҳкамаси хабарига қараганда, кейинги пайтларда Чунцин шаҳри хорижий мамлакатлардан Хитойга хуфёна олиб келинаётган наркотик моддаларнинг асосий савдо йўлига айланган.

Навоз Шариф бойлиги шубҳа остида

Покистон май ойи охирларида ер ости ядро синовлари ўтказганидан сўнг ўтган вақт ичида мамлакатдан бир миллиард АҚШ доллари олиб чиқиб кетилди. Бу ҳақда журналистлар учун ўтказилган брифингда мамлакат молия вазири Сартож Азиз баёнот берди. У шу нарсани тан олишга мажбур бўлдики, мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилиши муносабати билан хориж валютасидаги банк ҳисоблари ҳаракати тўхтатиб қўйилиши натижасида кўпгина омонатчилар пулларидан ажралиб қолишдан қўрқиб, уни турли усуллар билан четга олиб чиқиб кетишмоқда.

Швейцария федерал прокуратураси эса айни кунларда Покистон Бош вазири Навоз Шарифнинг банк ҳисобларини текширмоқда. «Тан» газетасининг ёзишича, Покистон ҳукуматининг собиқ раҳбари Беназир Бхуттонинг турмуш ўртоғи, наркотик моддалар билан савдо қилишда айбланаётган Азиф Али Зардорийга нисбатан олиб борилаётган тергов ҳаракатлари натижасида шубҳа остига олинганлар сони кўпаймоқда.

Апрель ойининг охирларида банкларга 353 покистонлик шахс ва компанияларнинг рўйхати ёзилган махфий ҳужжат келиб тушди. Рўйхатда юксак мартабали генераллар, гиёҳвандликка қарши кураш бўйича маҳкамаларнинг собиқ раҳбарлари, бизнесменлар, парламент аъзолари ва ҳозирги Бош вазирнинг исми шарифи бор эди. Ҳужжатда улар гиёҳванд моддалар билан савдо қилишдан топган каттагина маблағларини банкларга жойлаштирганликлари боис, жиддий шубҳа остига олинганликлари таъкидланади. Федерал прокуратура ушбу рўйхатни ўзи тузганлигини хабар қилиб, бунда Покистон ҳукмрон доираларининг маълумотларига таяниб иш юритганлигини таъкидлади.

Орадан уч хафта ўтгач, банклар янги мактуб олишди. Унда прокуратура Бош вазирга боғлиқ текширув натижаларини тақдим этишни, бу билан ўз навбатида Покистондаги жамоатчиликни хотиржам қилишни сўраган эди. Шу нарса аниқландики, «Навоз Шариф гумондорлар сафига кирмас экан». Бош вазирнинг номини фақат унинг сиёсий рақиблари эслатишаётир. Бироқ, қисқа муддатда ушбу миш-мишларга барҳам берилди. Прокуратура вакилининг сўзларига кўра, Бош вазир тўғрисидаги бўлар-бўлмас гапларга барҳам бериш учун интилаётган Покистон элчихонасининг аралашуви билан бу иш ҳозирча тўхтатилди. Бироқ вакил текширув натижаларини тўла баён этишдан бош тортди.

Ҳамонки, Берн текширув натижаларини яшириб келар экан, у ҳолда миш-мишлар натижасида сиёсий-молиявий жанжал олови баттарроқ авж олиши мумкин. Жумладан, «Тан» газетаси Покистоннинг собиқ Президенти Фарруҳ Аҳмад Хон Леҳгарийнинг баёнотини келтиради. Ушбу баёнотда жумладан бундай дейилади: «Шариф ядро синовларидан сўнг фавқулодда ҳолат жорий этиб, Конституция фаолиятини тўхтатди, шу йўл билан ўзига яқин кишиларнинг валюта ҳисобларини ҳимоя қилиб қолди».

2. Ҳаммасига «Скайхук» айбдорми ёки?..

Мантелл воқеасини текшириш ва аниқлаш учун Огайога ҳарбий ҳаво кучларининг етук экспертлари ҳам ёрдамга келишди. Улар тахминича, Мантелл Зуҳро сайёраси «ортидан қувган». Негаки, ўша пайтда Зуҳро сайёраси Ер осмонида саробдек кўринганини кўпчилик тан олганди. Аммо бу тахмин кўпчиликни қаноатлантирмади. Сабаб: тиниқ осмонда у жуда хира кўринган, бу ўз ўрнида тажрибали учувчини «йўлдан уролмасди».

Бундан ташқари яна бошқа фараз ҳам ўртага ташланди: бу фожианинг айбдори ўша куни, яъни 7 январда тадқиқот ишлари учун АҚШ ҳарбий-денгиз флоти учирган «Скайхук» шари экан. Бу шар жуда катта бўлиб, бир неча юз километрдан ҳам яққол кўринади, айниқса, ҳаво очиқ бўлиб, қуёш чарақлаган пайтда. Бундай шарлар асосан само қаъридаги шамол тезлигини аниқлаш ва фазовий нурланиш даражаси ҳақида маълумотлар йиғиш учун учирилади. Фақат уларни учириш ўта махфий бажарилади. Шунинг учун ҳам ушбу шар учирилганидан кўпчилик бехабар эди. Қайдномаларни текшириш шуни кўрсатдики, ўша куни шар Годмен осмонида ҳам учиб юрган бўлиши мумкин ва ўз ўрнида Мантелл шу шар ортидан қувган, деган ўй ҳам келади киши хаёлига. Бироқ бу тахмин холос.

Одатда бундай шар тонгда ёки кун ботарда, шамол йўқ пайтда учирилади. Бундай пайтда ер юзи қоронғулик қаърига чўкаётган, қуёш эса уфққа бош қўйиб, унинг нурлари фақат осмону фалакни ёритади ва ўша осмону фалакдаги шар нурда жилоланиб, номаълум объектга ўхшаб кўрингандир.

Шарлар кўзда тутилган мақсадга кўра, 10 дан 40 километргача бўлган баландликларда «фаолият» кўрсатади. Худди шунингдек, уларнинг ҳаракатланиш тезлиги ҳам мақсадвазифага боғлиқ: бир хиллари ўрнида «осилиб» тураверади, бошқа хиллари эса катта тезликда ҳаракатланади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мутахассис ва учувчиларнинг айтишича, шарлар турли вақтда турлича кўринади ҳамда уларнинг кўринади ҳамда уларнинг кўринади, ўрнида эгаллаган баландликка ҳам боғлиқ. Масалан, 1978 йил 25 май куни 37 дақиқа давомида Зуҳро «юлдузи» шаклидаги «ўзга сайёра» кузатилган. Ёки ўша йил 13 июлда тиниқ кумуш рангдаги юлдузсимон объект кузатилган.

«Учар тарелка»лар ҳақида янги ҳақиқат

Хабарингиз борми?

Кўриниб турибдики, бу объект дунёнинг ҳар бурчидаги ҳар бир кузатувчи учун турлича кўринади. Бундан ташқари уларнинг ранг-тасвири ҳам турлича бўлади: тонгда қуёш кўтарилаётган пайтда шар қизил рангдан оч кўк ранггача товланади, кун ботаётганда эса қизилдан бинафша ранггача турланади. Гоҳида эса шар қуёш нурини қайтариб, ўзидан нур таратади.

Шундай қилиб, «тадқиқотчи» шар Годмен осмонида кузатилганидек НУЖга ҳам ўхшаб кўриниши мумкин.

Америкалик таниқли астрофизик олим, профессор Доналд Мензел ўқувчилар диққатини бир нарсага қаратиб, ушбу воқеани қуйидагича тушунтиради ва хулосалайди: мазкур воқеа кун ботиш маҳал рўй берган ва кун ботгач ҳам бир неча дақиқа давом этган. Шунинг учун унинг фикрича, ялтираб кўринган нарса қишда кўпинча ўзимиз ҳам гувоҳи бўлган «алдамчи қуёш»дан ўзга нарсамас. Қорайган осмондаги тарқоқ патсимон булутларнинг музли кристаллари қуёш нурида шундай ёруғ доғ пайдо қилади. Худди шу «алдамчи қуёш» ён-атрофини ёритади ва шундай манзара кашф этадики, юқорида айтилганидек, номаълум объект «пайдо бўлади». «Алдамчи қуёш» ортидан қувиш — ёмғирдан кейинги камалакни қувишдек гап. Сиз қандай тезликда уни «қувсангиз» у шунча тезликда сиздан «қочади», тўғрироғи йироқлашиб бораверади. Гоҳ у турли рангда кўринса, гоҳида кумушранг бўлиб кўринади, — дейди Мензел.

Шу ўринда Мензел ҳамкасбларидан бири унга ёзган хатда айтилган фикрга қўшилишимиз мумкин: «капитан Мантелл шунчалар тентак бўлганига, сароб ортидан қувиб ўзини нобуд қилганига унинг онасини ишонтира оласизми?» деб ёзган эди хатда. Бундан ташқари америкалик астрофизик Годмен базаси ҳарбийлари радиолакатор экранларида номаълум объектни кўрганлиги ҳақидаги фактни ҳам инкор этди. Демак, Мантелл воқеаси хусусидаги тортишувлар ҳали яна давом этади. Негаки, унга асосли якунни ҳали ҳеч ким айтолгани йўқ.



Хорижий манбалар асосида Зулхумор СУЛТОНОВА тайёрлади.

***

Суратда: бир вақтлар НУЖ деб ўйланган «тадқиқотчи» ҳаво шари фазога учириш арафасида.

Денгиз остидаги биёбон

Сина ярим ороли текислигидаги денгиз туби юқоридан чўлга ўхшаб кўринади. Аммо бу кўриниш алдоқчидир. Бироз диққат билан қаралса қумга қўмилиб олганича атрофни кузатаётган ўнлаб кўзларни кўрасиз. Чунки, бу денгиз ҳайвонларининг барчаси яшириниб ҳаёт кечиради.

Gorgasia номли илон балиқларнингқумга кўмилиб олган гавдалари оқим тасирида майин ҳаракатланиб туради. Бўйлари бир метрга яқин бўлган бу жонивор шу ҳолда овқатланиб, яшайди ва кўпаяди. Агар бирор хавфни сезгудек бўлса, дарҳол қум ичига кириб яширинади.

Қурбақа балиқларнинг ҳаёт тарзи ҳам ўзгачадир. У ўзини бошдан-оёқ қумга кўмганида унинг қулгига мойилдек оғзигина кўзга ташланади. Тишга ўхшаб кетувчи тешиккчалар эса унинг нафас олиш органидир. Кўзларини юқорига тикиб ётадиган бу жонзот ўзи билан тенг гавдали балиқларни ҳам бир ҳамлада ютa олади.

Жонзотлар махфий ҳаракат қиладиган бу денгизда қора устура балиғи, ғалати шакли билан тез кўзга ташланади. Лекин ташқи кўриниши кўпинча кишини алдайди. Бу балиқ бирор хавфга учраганда елка қанотини очганича ўзини ерга отади. Энди унинг денгиз ўтларидан фарқи қолмайди.

Туркча «Минг саволга минг жавоб» китобидан Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА таржимаси.

Финалда ўйнашин кўринг

Мард йигитнинг аслин билай десангиз, маъракада ўтириб туришин кўринг. Дарвоқе, қўшиқда айтилганидек, Франция чемпионатида иштирок этаётган жамоаларнинг асли қандай имкониятга эга эканлиги кўпроқ ҳал қилувчи ўйинларда намоён бўлмоқда. Тўғри, Голландия бўш келмайдиган жамоалардан бири эди. Ҳатто баъзилар бу жамоага чемпионликни ҳам раво кўришган. Ярим финалда жаҳон чемпионлари — Бразилия футболчилари билан учрашувда голландларнинг кўрсатган «ҳунарлари» ҳақиқатдан ҳам, бу мамлакат довруғи достон юртлардан бири эканлиги яна бир бор кўринди. Сирасини айтганда, улар чемпионларни кўп ташвишга солишди. Учрашувнинг биринчи қисмида дарвозаларнинг дахлсиз қолгани ҳам шундан.

Танаффусдан кейин, дастлабки дақиқалардаёқ дунёдаги энг зўр футболчи номини олиб турган Рональдо астойдил ҳаракат қилиб, голландлар дарвозабонини лол қолдирди. Шундан кейин, Голландия футболчилари жонланиб, ҳам ҳимоя, ҳам ҳужумда ўзларини кўрсатиб, чемпионларни шошириб қўйдилар. Албатта, чемпионлар яна бир тўп билан ғалабани мустаҳкамлашлари зарур эди. Лекин, уларнинг ҳаракатлари зое кетаверди. 45 дақиқа давомида ғалабани сақлаб туришнинг имкони бўлмади. Учрашув тугашига икки минут қолганда Патрик Клюйверг ниятига етди. Ҳисоб тенглашди. Ғолибни аниқлаш учун қўшимча вақт белгиланди. Яна бўлмади. Шундан кейин дарвозаларга бештадан 11 метрли жарима тўплари тепиш бошланди.

Футбол катта тижорат экани аён. Шунинг учунми, жаҳон чемпионати теграсида ишбилармонлар ўзларича ҳисоб-китоб юритишмоқда. Маълум бўлишича, улар энг кучли футболчилар рўйхатини тузиб, уларнинг қимматини ҳам белгилашибди. Қизиғи шундаки, Рональдо бошлиқ бразилиялик тўрт ўйинчи рўйхатни бошқармоқда. Рональдонинг нархи эса 200 миллион доллардан ортиқ экан. Италия футболчисига бешинчи ўрин берилган бўлса, голланд Бергкамп олтинчи бўлиб турибди. Шу жиҳатдан қараганда, ҳар иккала жамоанинг ўзаро жарима тўпи тепишларида Бразилиянинг қўли баланд келиши табиий эди. Шундай ҳам бўлди. Зеро, бу сафар Бразилияни моҳир дарвозабон Тоффарел сақлаб қолди, десак муболаға бўлмас. У жарима тўпи тепишда ҳам икки марта голландлар зарбини қайтариб, ўз жамоасини 5:3 ҳисобида ғалаба қилишини таъминлади. Шундай қилиб жаҳон чемпионлари умумий 6:4 ҳисобида ғалабага эришиб, финалга чиқишди. Кеча эса Франция — Хорватия учрашувида иккинчи финалчи аниқланди. Жаҳон кубоги Лотин Америкасига йўл оладими ёки Оврупода қоладими? Буни якшанба куни бўладиган сўнгги учрашувда биламиз.

Ҳайдар НОСИРОВ

FRANCE 98

Халқни миллий мафкура бирлаштиради

«Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар». Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Тафаккур» журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавоблари шу сўзлар билан бошланиши бежиз эмас.

Истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда. Чунки миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва

нинг энг долзарб муаммоларига бағишланган.

Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган Йўлдош Сулаймоннинг «Фарғонанома»си ҳам ўзига хос тарзда ёзилганлиги билан ўқувчи диққатини тортмай қўймайди. Ҳеч шубҳасиз, раҳматлик Эрик Каримовнинг «Мустақиллик ва жадидлар ҳаракати» мақоласи юртдошларимизга жадидлар фаолияти ҳақида бой маълумотлар беради.

Янги сонда чоп этилган Саидакбар Бўлатов қаламига мансуб бўлган «Дунёнинг тўрт томони»ни ўқиб талайгина янги ва қизиқарли маълумотлар олиш мумкин. Миллий кийимлар ҳақидаги бу чиқишда дўппининг квадрат шаклида бўлишининг сабаблари ва у дунёнинг тўрт томонини — осмон саройи, қуёш фарзанди, абадийлик ва ёруғликни билдириши ёзилган. Тадқиқотчи Ҳилола Зоированинг «Элпарвар Элбек» мақоласи атоқли шоир ва йирик педагог ҳақида баҳс-мунозарага чорлайди.

Таниқли академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Ҳиндистонга саёҳат» мақоласи ўзининг бетакрор гўзал табиати, меҳмоннавоз халқи ва бошқа жуда кўп ажойиботу ғаройиботлари билан кўп замонлардан бери сайёҳлар ва зиёратчиларни ўзига тортиб келган афсонавий мамлакат — Ҳиндистон ҳақидадир. Муаллиф Ҳасан Қудратиллаев эса «Бобурнома»да ов манзараларига тўхталиб, «Бобурнома»да турли қушларни овлаш жараёни жуда кенг ва чиройли тасвирлангани ҳақида ёзаркан: «Заҳириддин Муҳаммад Бобур қанчалар жангу жадал қонли урушларда иштирок этган бўлмасин, барибир ҳамиша табиат, унда яшовчи мавжудотларни асраш ва инсонга нисбатан хайрихоҳлик ва шафқат билан қарашни канда қилмади», дея ёзади.

Абдураҳмон Жомий ўзининг «Рисолаи Мавлавия»сида дину давлатга эришишнинг уч йўли хусусида баҳс юритади. Таржимон Гулчеҳра Наврўзова шу асар ҳақида сўз юритаркан, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ва тариқатининг асл талаблари кўрсатилган дастур деб баҳолайди.

«Мулоқот» журнали саҳифаларида ташкил этилгандан буён юзлаб шарқнинг буюк мутафаккирлари тўғрисида мақолалар чоп этилди. Уларнинг кўпчилиги асрлар давомида халқимиздан сир сақлаб келинган эди. Янги сонда ҳам Ботирхон Валихўжаев қаламига мансуб шу руҳдаги «Шайх Худодод Валий» шеърияти ҳақида мақола эълон қилинди. Ушбу сонда журналхонларни кўпдан маънавият сабоқларидан огоҳ этиб келаётган «Чор китоб»га хотима қўйилди. Таниқли ёзувчи Саид Аҳмад ҳажвиялари ўқиганларни беихтиёр кулдирса, журналист Шермат Алламовнинг ҳар тўғридаги қизиқарли маълумотлари ва мусаввирлар А.Назировнинг «Нодира», А.Мўминовнинг «Чорбоғ манзараси», О.Қозоқовнинг «Юксаклик» суратлари ички бир ҳайрат билан ўйга солади, тўлқинлантиради.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 9 iyul, payshanba № 81 (22.318).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Болаликнинг баҳори

Барот Яраш бола феълли шоир. Унинг шеъриятида болаларнинг табиати, феъл-атвори, орзу-умидлари болаларга хос самимият билан очиб берилади. Ижодкорнинг мазкур шеърий мажмуасидан ўрин олган шеърлар митти асарлар сирасига киради. Тўпламдаги шеърлар мавзу жиҳатдан ранг-баранг, уларда болаларнинг руҳияти, яъни ички дунёси билан боғлиқ бўлган кечинмалар содда ва самимий мисраларда ёрқин акс эттирилган. Шу маънода тўпламнинг «Болажонлар дунёси» деб номланиши мақсадга мувофиқдир. Муҳими, тўпламдан озод Ватан, истиқлол, она, ота-юрт тимсоли, унинг тили ва қадриятларига бағишланган қатор шеърлари ўрин олган. Бу жиҳатдан шоирнинг «Истиқлол фарзандимиз», «Озод Ватаним», «Она», «Она тилим», «Салом, мактаб», «Биринчи ўқитувчим», «Бола дунёни тебратар», «Одобли қиз», «Бармоқлар қўшиғи», «Бойчечак», «Сумалакжон, сумалак» сингари шеърларида мустақил юрт болаларининг бугунги руҳий қиёфаси, нозик ҳиссиётлари ишонарли мисраларда ўз аксини топган.

Барот Яраш болаларнинг ростмана қобилиятли шоирларидан биридир. Шоирни янги тўпламлари билан қутлар эканмиз, болалик дунёсининг ҳали очилмаган янги қирраларини кашф этишда унга улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Суннатулла РИЗАЕВ, филология фанлари номзоди, доцент

Озод Ватаним

Омад, бахтинг бор,
Тожу тахтинг бор,
Оламда сен ҳам
Мустақил диёр,
Озод Ватаним,
Обод Ватаним.

Тупроғи гавҳар,
Тоши тилло, зар,
Олтин, кумуши
Дунё айланар,
Озод Ватаним,
Обод Ватаним.

Эркинг қўлингда,
Мулкинг қўлингда,
Бахт нурин сочар
Қуёш йўлингга,
Озод Ватаним,
Обод Ватаним.

Дўстга қўл берган,
Дўстга йўл берган,
Дўстлик боғидан
Доим гул терган,
Озод Ватаним,
Обод Ватаним.

Халқинг баҳодир,
Ҳар ишга қодир,
Дунё илмида
Ўрни бор нодир,
Озод Ватаним,
Обод Ватаним.

Таълим оламиз
Ўз тилимизда,
Қўшиқлар айтсак,
Сен дилимизда,
Озод Ватаним,
Обод Ватаним.

Алёр

Бизлар озод Ватаннинг озод ўғил-қизимиз,
Кўкида порлаб турган ойимиз, юлдузимиз.
Қўлимизда Ватаннинг ҳур байроғи ҳилпирар,
Улуғвор чўққиларни кўзлар бизнинг кўзимиз.
Ватан мадҳи жаранглар ҳар айтар сўзимизда,
Биз ўзбекнинг дунёда янграб турган сўзимиз.
Она-юрт тамғаси бор, ҳар босган изимизда,
Ахир бизлар Ватаннинг ўзлигимиз, ўзимиз.
Мустақиллик қўшиғин куйлаб сафдан ўтамиз,
Дунё билан юзлашар юртнинг бизлар юзимиз.

Барот ЯРАШ

Мустақил қадам

Касби тумани халқ таълими бўлимига қарашли иқтисод, тиббиёт ва педагогика гуруҳларига ихтисослаштирилган лицей-интернатда битирув кечаси бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан туман ҳокими Намоз Сариқов янги лицейнинг илк қалдирғочларини мустақил ҳаётга қадам қўяётганликлари билан табрикларкан, келгусида бу даргоҳдан кўплаб етук мутахассислар чиқишига умид билдирди. Кеча сўнггида туман халқ таълими бўлими маъмурияти томонидан беш нафар ўқувчига имтиёзли гувоҳнома топширилди.

Лицей ўқувчилари ўз устозларига ташаккурлар айтишди. Айниқса, Мурод Муқимов, Олима Арабова, Моҳинисо Воҳидова, Феруза Авазова, Баҳтиёт Каромовга алоҳида миннатдорчилик билдиришди.

Ҳамида ШОДИЕВА

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштариилар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Мирсолиева*

Исми *Ирехоли*

Отасининг исми

Қачон, қаерда туғилган *1897 йил Тошкент шаҳри, Эски Жўва маҳалласи*

Ҳозир қаерда яшайди *Чимкент вил. Сайрам тум. Қорабулоқ қишлоғи*

Узоқ умр кўришнинг сири *Халоллик, мард* (қисқа баён этилади) *фарзандлардан завқланиш*

Юз ёшнинг хулосаси *Олтин олма дуо ол.* (қисқа баён этилади)

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Устозни хотирлаб

Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони устоз Азмиддин Ҳўжаев хотирасига бағишлаб ўтказилган анъанавий турнирда Андижон, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан турли ёш ва малакали 70 шахматчи иштирок этди. Афсуски, бошқа вилоят вакиллари бундай ажойиб имкониятдан бебахра қолдилар.

Хотира турнирига Ўзбекистон чемпионати олий табақа турнири иштирокчилари қатори кўпгина ёшлар, шу жумладан хотин-қизлар ҳам жалб этилди. Бирваракайига ўйналган ҳар кунги 35 учрашувнинг барчасида диққатга сазовор вазиятлар юзага келиб турди. Дастлабки 7 тур давомида пешқадамликни ўз қўлида сақлаб борган сирдарёлик ёш спорт устаси Рамиз Қурбиддиновнинг ўйинлари ҳар жиҳатдан диққатга сазовор бўлди. Шу йилги республика чемпионатида Рустам Қосимжоновдек донгдор гроссмейстерни 20 юриш орасида таслим этган ҳам шу Қурбиддиновдир. Бироқ унга ҳам «кушанда» чиқиб қолди. Бу 7б ёшли Георгий Борисенко эди.

Ўйин ўрталаридан бошлаб Рамиз ташаббусни ўз қўлига олиб узоқ давом этувчи курашни бошлади. Борисенко қаттиқ ҳимояланиб рақиби вазифасини мушкуллаштирарди. Қурбиддинов бир пиёда кам ҳолатда дуранг қилса бўлар эди. Аммо буни истамади, натижада рақибининг кичик комбинациясидан сўнг биринчи мағлубиятини тан олди. Энди пешқадамлик етти очко жамғарган Борисенкога ўтди. Қурбиддинов иккинчи бўлиб қолди. Якунловчи тур олдидан бош совринга яна шу икки шахматчи асосий рақиб бўлиб қолган бўлса кейинги совринлар учун рақобатчилар сони ўндан зиёд эди.

Якунловчи 9-турда Борисенко наманганлик миллий спорт устаси Александр Бобин билан дурангга имзо чекар экан, ҳеч бўлмаса коэффициентлар жадвали бўйича биринчи ўринни ният қилиб қўйди. Иккинчи ўрин тақдири андижонлик тажрибали шахматчи Эркин Каримов билан Қурбиддинов учрашувида аниқланиши керак эди. Мураккаб курашлар оқибатида устун чиққан Каримов 7 очко билан иккинчи ўринни эгаллади. 6,5тадан очко жамғарган 8 нафар шахматчи 3 — 10 ўринларни ўзаро баҳам кўрдилар. Улар орасида ёшлар анчагина эканлиги мутасаддилар кўзлаган мақсад рўёбга чиққанлигидан далолатдир. 4 нафар ёш шахматчи биринчи бор спорт усталигига номзод бўлди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш куни совринларни топширар экан «Спорт» газетасининг бош муҳаррири Ҳайдар Акбаров Азмиддин Ҳўжаев хотирасига бағишланган бундай турнир тағин анъанага айланиб қолиши, нуфузи тобора юқорилашиши, халқаро даражага кўтарилиши учун ҳаракат борлигини айтди. Шундан сўнг республика шахмат федерацияси ва республика Давлат спорт қўмитасининг совринлар ва дипломлари эгаларига топширилди.

Энди навбат сентябрь ойида ўтадиган жаҳон шахмат олимпиадасига.

Мамажон МУҲИТДИНОВ, мусобақа бош ҳаками.

Шатранж оламида

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ,

навбатчи Бобомурод РАЙИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.963 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0156

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.20

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА